

## COVID-19 ВА 2-ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН АССОЦИРЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШГА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ ДАСТУРИ



Аслонова Маржона Рамазоневна, Саъдуллоева Ирода Курбоновна  
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

### ПРОГРАММА ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ПОДХОДА К ВЕДЕНИЮ ПАЦИЕНТОВ ПРИ АССОЦИИ COVID-19 И САХАРНОГО ДИАБЕТА 2 ТИПА

Аслонова Маржона Рамазоневна, Саъдуллоева Ирода Курбоновна  
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

### PROGRAM FOR A DIFFERENTIATED APPROACH TO THE MANAGEMENT OF PATIENTS IN THE ASSOCIATION OF COVID-19 AND TYPE 2 DIABETES MELLITUS

Aslonova Marjona Ramazonovna, Sadulloeva Iroda Kurbonovna  
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: [aslonovam93@gmail.com](mailto:aslonovam93@gmail.com)

**Резюме.** COVID-19 ва 2-тип қандли диабет ассоцирланишида биз томонимиздан ишлаб чиқилган беморларни бошқаришга дифференциал ёндашув дастури умумий амалиёт шифокорига мулоқот жараёнида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши ва/ёки бирламчи тиббий бўгин босқичида касалхонага ётқизиши тўғрисида қарор қабул қилиши жараёнига оид саволларга жавоб беради. Оилавий шифокор беморни дастлабки текширишида таъхисни аниқлаштириши ва тасдиқлаш учун анамнезни ва аломатлар ва белгилар мавжудлигини аниқлаши, шунингдек қўшимча таъхисий тадқиқотлар ўтказиши ва оғирлик ҳолати ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида маълумот бериши мумкин.

**Калит сўзлар:** SARS CoV-2, пневмония, 2-тур қандли диабет, пневмония, цитокин.

**Abstract.** The program we have developed for a differentiated approach to the management of patients with the association of COVID-19 and type 2 diabetes mellitus provides the general practitioner, in the process of dialogue, with receiving answers to questions regarding the decision-making process of providing first aid and/or hospitalization of the patient at the stage of primary healthcare. During the initial examination of the patient, a general practitioner can find out the medical history and the presence of symptoms and signs to clarify and make a diagnosis, as well as conduct additional diagnostic tests and inform about the severity of the condition and possible complications.

**Key words:** SARS CoV-2, pneumonia, type 2 diabetes mellitus, pneumonia, cytokine.

COVID-19 - бу янги, тўлик ўрганилмаган касаллик бўлиб, бутун дунё бўйлаб кўплаб одамларга таъсир кўрсатди [1]. SARS-CoV-2 инфекциясининг нафақат асимптоматик ёки энгил шаклларида, балки касалликнинг оғир ҳолатларида ҳам қўлланиладиган диабетга қарши дорилар COVID-19 нинг патофизиологик механизмларига ва касалликнинг прогнозига таъсир қилиши мумкин [4,9]. Қандли диабет билан касалланишнинг юқори даражаси туфайли SARS-CoV-2 инфекцияси ва бузилган глюкоза алмашинуви ўртасидаги муносабатни кўриб чиқиш ва инфекция пайтида диабетни даволашнинг энг фойдали усулини аниқлаш жуда муҳимдир [2,3].

COVID-19 билан касалланган диабетли беморларнинг ёмон прогнози шифокорларни 2-тоифа диабет билан касалланган одамлар учун стандарт дори-дармонларни даволашни шубҳа

остиға кўйди. Қайси даволанишга устунлик бериш керак? Ҳозиргача фақат кузатув тадқиқотлари мавжуд, аммо бу муаммони ҳал қилиш учун кўпроқ илмий тадқиқотлар олиб бориш керак [5,6].

Биз томонидан ишлаб чиқилган 2-тип қандли диабетда SARS-CoV-2 пневмониясининг оғирлигининг маълумотли клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларига асосланиб, биз ушбу тоифадаги беморларни бошқаришга табақалаштирилган ёндашув дастурини туздик [7,8]. Дастурни тузиш учун биз SARS-CoV-2 пневмониясида беморнинг аҳволига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ва аломатларни ҳисобга олдик.

**Тадқиқот мақсади:** COVID-19 ва 2-тип қандли диабет билан ассоцирланган беморларни олиб боришга табақалаштирилган ёндашув дастурини ишлаб чиқиш.

**Материаллар ва усуллар:** Тадқиқотда Ковид-марказига айлантирилган Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасида SARS-CoV-2 пневмонияси билан касалхонага ётқизилган 103 пациент жалб қилинди. 2-тип қандли диабет фонида SARS-CoV-2 пневмонияси билан госпитализацияланганларнинг барчасидан оғир пневмония билан оғриган беморлар - 35 (1-гурух), ўртача оғирлик билан - 33 (2-гурух) беморт ташкил қилди. Таққослаш гуруҳи (3-гурух) ҚД билан касалланмаган SARS-CoV-2 пневмонияси бўлган 35 бемордан иборат бўлди. Назорат гуруҳи мос ёшдаги 30 соғлом одамдан иборат эди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** 2-тип ҚД билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмонияси клиник кўринишларнинг ўхшашлиги билан тавсифланади, аммо белгиларнинг намоён бўлиш вақти, оғирлиги ва ташҳисот аҳамиятидаги фарқлар ташҳиснинг лабораториядан олдинги босқичида ушбу касалликларни аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҚД давомийлигини ҳисобга олиш ва анамнезни изчил ўрганиш, шунингдек, беморни объектив текшириш кейинги бошқарув тактикаси ва ОРИД га ўтказиш билан касалхонага ётқизиш тўғрисида тезкор қарор қабул қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, табақалаштирилган ёндашув дастури ташҳисот ва қарор қабул қилишнинг аниқлиги ва ўз вақтида бажарилишини яхшилаши мумкин. Дастлабки (лабораториядан олдинги) ташҳисот босқичида биз томонимиздан ишлаб чиқилган дифференциация дастури бизга дифференциал-ташҳисот қаторини шакллантириш имконини беради. Жаҳон адабиёти маълумотлар базасида санаб ўтилган дунёнинг замонавий олимларининг тажрибасига асосланган ҳолда, дифференциаллашган ёндашув дастурини яратишда шифокорга ташҳис кўйишда кўмаклашадиган 13 та симптом ва/ёки ҳолатлар рўйхатини шакллантиришга қарор қилинди.

Ташҳисотнинг лабораториядан олдинги босқичида қарор қабул қилишни кўллаб-қувватлаш учун биз томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 ва 2-тип қандли диабет ассоциирланиши бўлган беморларни бошқаришга табақалаштирилган ёндашув дастури 96,0% ҳолларда 13 та симптомдан иборат тор дифференциал-ташҳисот ва/ёки ҳолатлар қаторини шакллантиришда самарадорлигини кўрсатди. 2-тип ҚД билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясини ташҳислашда тавсия этилган янги ёндашув юқори самарадорлигини ва клиник амалиётда кўллаш имкониятини кўрсатди (1-расм).

2-тип қандли диабет билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясини

ташҳислашда табақалаштирилган ёндашув босқичма-босқич амалга оширилади: бирламчи тиббий ёрдам босқичида ОШ томонидан; 2-босқичда ТМШ ва/ёки вилоят тиббий марказларининг тор мутахассис врачлар, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар томонидан кўрилади.



**Расм 1.** ОШ томонидан текширувнинг 1-босқичи учун дастур

ОШ текширувининг 1-босқичи учун дастур беморни объектив кўрув ва суҳбатни назарда тутуди, бунда агар бемор 10 балл ва ундан кўп балл тўплаган бўлса, ОШ беморни ҳолатини назорат қилиш ва кейинги текширувни ўтказиш ва даволаш учун ихтисослаштирилган тиббий марказга (ковид маркази) юборади.

Дастур 2-тип ҚД билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясини ташҳислаш бўйича билимлар базасини кенгайтиришга имкон беради ва шунинг учун уни кўп тармоқли тиббиёт муассасаларининг амалий фаолиятига киритиш тавсия этилади.

Тор мутахассис ва /ёки юқумли касалликлар бўйича мутахассис томонидан текширишнинг 2-босқичи дастури беморнинг қонини объектив текшириш ва лаборатория таҳлилинини назарда тутуди, бунда агар бемор 5 балл ва ундан кўп балл тўплаган бўлса, шифокор беморни интенсив даволаш ва беморларнинг аҳволини кузатиш учун ўтказиш учун ОРИД (ковид маркази) бўлимига ўтказишга қарор қилади (2-расм).

Юқумли касалликлар шифокорлари, эндокринологлар, терапевтлар, пульмонологлар, кардиологлар, неврологларнинг амалий фаолиятига 2-тип ҚД билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 пневмонияли беморларни олиб боришга табақалаштирилган

ёндашув дастурини жорий этиш врачлар томонидан қабул қилинадиган тиббий қарорларни ўз вақтида қўллаб-қувватлашга кўмаклашади ва хусусан биринчи ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилиш, билимлар ва клиник тажрибага асосланиб касалхонага ётқизиш ва/ёки беморни ОРИД га ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш масласини ҳал қилишга кўмаклашди. Шунингдек, 2-тип ҚД билан касалланган SARS-CoV-2 пневмонияли беморларда ҳолатларни дифференциациялашга янги ёндашув ташхисот ва даволаш жараёнининг турли босқичларида (ташхисот, башоратлаш, даволашни танлаш) нафақат маслаҳат ёрдами имкониятини намоиш этади, балки врачларнинг малакасини ошириш имконияти ҳам мавжуд.



**Расм 2.** 2-тип ҚД билан оғриган SARS-COV-2 пневмонияси бўлган пациентларда 2-босқични олиб бориш учун дастур

**Хулоса.** COVID-19 ва 2-тип қандли диабет ассоциирланишида биз томонимиздан ишлаб чиқилган беморларни бошқаришга дифференциал ёндашув дастури умумий амалиёт шифокорига мулоқот жараёнида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва/ёки бирламчи тиббий бўғин босқичида касалхонага ётқизиш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнига оид саволларга жавоб беради. Оилавий шифокор беморни дастлабки текширишда ташхисни аниқлаштириш ва тасдиқлаш учун анамнезни ва аломатлар ва белгилар мавжудлигини аниқлаши, шунингдек кўшимча ташхисий тадқиқотлар ўтказиши ва оғирлик ҳолати ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида маълумот бериши мумкин. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастурнинг бундай хусусияти ибратлидир, у клиник кўриниш тўлиқ намоён бўлмаганда ва ҚД билан ассоциирланган ҳолатда шифокор томонидан кўшимча билимларни олишга кўмаклашади.

#### Адабиётлар:

1. Samy Hadjadj , et al (2021). Glucose-lowering treatments and COVID-19 mortality in T2DM // Nat Rev Endocrinol. 2021 Jul;17(7):387-388.
2. Stefan R Bornstein, Francesco Rubino, Kamlesh Khunti// Practical recommendations for the management of diabetes in patients with COVID-19 Lancet Diabetes Endocrinol//2020 Jun;8(6):546-550.
3. Struyf T, Deeks JJ, Dinnes J, Takwoingi Y. Cochrane COVID-19 Diagnostic Test Accuracy Group . 2020. Signs and symptoms to determine if a patient presenting in primary care or hospital outpatient settings has COVID-19 disease. Cochrane Database Syst Rev 7:CD
4. Weronika Bielka , Agnieszka Przekazak , Andrzej Pawlik., (2021). Therapy of Type 2 Diabetes in Patients with SARS-CoV-2 Infection // Int J Mol Sci. 2021 Jul 16;22(14):7605.
5. World Health Organization Naming the coronavirus disease (COVID-19) and the virus that causes it [EB/OL] 2020-02-11
6. World Health Organization. 2021. WHO Coronavirus Dashboard. Accessed Apr. 16, 2021.
7. Ramazonova A. M. Correlation Relationship of Interferons, Cytokines with Biochemical Mediators of Inflammation in The Blood in The Association of Covid-19 and Type 2 Diabetes //Texas Journal of Medical Science. – 2023. – Т. 26. – С. 70-77.
8. Ramazonova A. M. Correlation Relationship of Interferons, Cytokines with Biochemical Mediators of Inflammation in The Blood in The Association of Covid-19 and Type 2 Diabetes //Texas Journal of Medical Science. – 2023. – Т. 26. – С. 26-32
9. Облокулов, А. Р., Ниезов, Г. Э., & Ражабов, А. Р. (2021). Сovid-Ассоциированная Коагулопатия У Пациентов Новой Коронавирусной Инфекции. Централ асиан жоурнал оф медисал анд натурал ссиенсес, 124-130.

#### **ПРОГРАММА ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ПОДХОДА К ВЕДЕНИЮ ПАЦИЕНТОВ ПРИ АССОЦИАЦИИ COVID-19 И САХАРНОГО ДИАБЕТА 2 ТИПА**

Аслонова М.Р., Саъдуллоева И.К.

**Резюме.** Разработанная нами программа дифференцированного подхода к ведению пациентов при ассоциации COVID-19 и сахарного диабета 2 типа обеспечивает врачу общей практики, в процессе диалога, получение ответов на вопросы, касающиеся процесса принятия решения вопросов оказания первой помощи и/или госпитализации больного на этапе первичного звена здравоохранения. Врач общей практики при первичном осмотре пациента может выяснять анамнез и наличие симптомов и признаков, для уточнения и постановки диагноза, а также проводить дополнительные диагностические исследования и информировать о состоянии тяжести и возможных осложнениях.

**Ключевые слова:** SARS CoV-2, пневмония, сахарный диабет 2 типа, пневмония, цитокин.